

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Инновацион давлат хизматлари

Президентимиз топшириғи асосида инновацион давлат хизматлари кўрсатиш янада кенгайди ва бу ҳалқимиз учун катта қулайликлар яратади

Бирор идорага борганда навбат қилишдан ёмони йўқ. Айниқса, ҳозирги тезкор, ахборотлашган замонда бундай қабул қилишнинг ўзи қийин.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш мақсадида мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тобора кенгаймоқда. Аммо шунга қарамай, навбат кутиш, кўп вақт йўқотиш, ортиқча харажат қилиш, бюрократик ҳолатларга дуч келиш каби ҳолатлар, афсуски, ҳамоно учраб турибди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилишда юқоридаги каби ҳолатларга чек қўйиш мақсадида мутасадди идораларга инновацион давлат хизматларини янада кенгайтириш вазифасини топширди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда? ЎзА муҳбири ушбу масалада вазирликка мурожаат қилди.

— Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида контакtsiz шакллардан фойдаланишни фаоллаштириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг янги талқини ишга туширилди, — дейди вазирлик масъул ходими Элбек Долимов. — Ягона портал орқали 360 дан ортиқ электрон хизмат кўрсатилмоқда. Ушбу хизматлардан фойдаланиш учун 1,9 миллиондан ортиқ ариза келиб тушди. Бу билан аҳолининг кўп вақт сарфлаши, сарсон бўлиши, сарф-харажат қилишининг олди олинди.

Идоралараро интеграцион платформа орқали давлат органларининг 60 дан ортиқ ахборот тизими ўртасида ўзаро онлайн тарзда

маълумот алмашинуви йўлга қўйилди. Бир ой давомида 2 миллиондан зиёд, қунига ўртача 70 мингга яқин маълумот давлат хизматлари доирасида электрон кўринишда тақдим этиб келинмоқда. Идоралараро ҳимояланган маълумотлар узатиш тармоғи давлат ташкилотларига ўзаро хавфсиз ахборот алмашинувини таъминлаб бериш мақсадида яратилган ёпиқ тармоқдир. Бугунги кунда ушбу тармоққа 50 дан зиёд давлат органлари ахборот тизими уланган.

«Лицензия» ахборот тизими комплексида 16 давлат лицензияловчи органи, 14 маҳаллий давлат ҳокимияти органи, 16 мингта лицензия ва 58 мингта рухсатномалар ҳақида маълумот жойлаштирилган. Мисол учун, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари ҳамда Давлат ветеринария қўмитаси ушбу тизим орқали лицензия олиш учун топширилган аризаларни қўриб чиқиш жараёнини тўлиқ автоматлаштирди. Натижада 1,5 мингдан зиёд ариза автоматлаштирилган ҳолда қўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 декабрдаги «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосан талаб юқори бўлган 26 хизматни электрон шаклга ўтказиш режалаштирилган. Ҳозирги кунда ишлар чиқилган давлат хизматлари Регламентларига асосан Ягона интегратор «UZINFOCOM» томонидан ушбу давлат хизматларини босқичма-босқич Ягона порталга жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

Адлия вазирлиғи ва Давлат хизматлари агентлиғи билан биргаликда ўз ичига 8 ахборот тизими, маълумот-



лар базалари, ҳимояланган маълумот узатиш тармоғи ва Давлат хизматлари марказларини техник жиҳозлаш (видеоконференц алоқа, электрон навбат, видеокузатув тизими, инфокиоск ва бошқа) бўйича Концепция ва Техник топшириқ ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Бундан ташқари, вазирлик томонидан Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғини такомиллаштириш ва идоралараро интеграцион платформага улаш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Ушбу вазифалар бугунги кунда ишлаб чиқилган 2018–2021 йилларда «Электрон ҳукуматни ривожлантириш» стратегияси лойиҳасида белгиланган.

Идоралараро маълумот узатиш тармоғини такомиллаштириш ва барча туман ҳокимликларини унга улаш ҳамда 350 километр оптик толали алоқа линияларини ётқизиш ишлари бошланган. Жорий йилда давлат органлари томонидан электрон давлат хизматлари кўрсатишни автоматлаштириш бўйича 20 дан ортиқ электрон ҳукумат тизимининг ахборот тизимлари яратилиши белгиланган.

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ҳамда юқорида кўрсатилган масалаларни ҳал этиш мақсадида жорий йилда қуйидагилар амалга оширилади:

➤ давлат хизматлари марказлари

ва давлат идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш давлат хизматлари марказларида фойдаланилаётган 8 ахборот тизими ва маълумотлар базасини (электрон навбат тизими, давлат хизматлари кўрсатиш мониторинг тизими, давлат хизматларини баҳолаш тизими ва ҳ.к.) интеграция қилишни кўзда тутувчи Ягона ҳимояланган ахборот платформаси яратилади;

➤ ташкил этилган давлат хизматлари марказларида 26 та давлат хизматларини жорий этиш лойиҳаси доирасида идоралараро маълумот алмашинувини автоматлаштириш мақсадида Электрон ҳукумат тизимидagi 20 дан ортиқ ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари интеграцияси таъминланади;

➤ электрон ҳукумат тизими орқали кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари ва тўловлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишга мўлжалланган ягона автоматлаштирилган электрон ҳисоб-китоб тизими яратилади ва жорий этилади.

Аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларининг инновацион усуллари кенгаётгани уларга катта қулайлик бўлиб, ортиқча вақт ва маблағ сарфлашнинг олдини олади, муҳими, ортиқча қўғоз-бозликларга бутунлай барҳам беради.

ЎзА асосида.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Импорт товарлар юклашдан олдин ихтиёрий тарзда инспекциядан ўтказилади

Президентнинг 24.03.2018 йилдаги ПҚ-3624-сон қарори («СБХ»нинг 3.04.2018 йилдаги 14 (1234)-сонли ҳужжатлар пакетида чоп этилган) билан ташқи савдои янада эркинлаштириш ва савдо операцияларининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

Мамлакатимизга импорт қилинадиган товарларни юклашдан олдин мажбурий инспекциядан ўтказиш тартиботи бекор қилинмоқда. Энди у ихтиёрий асосда амалга оширилади.

Маълумот учун: юклашдан олдин инспекциядан ўтказиш илгари ҳам барча ҳолларда мажбурий эмас эди. У умумий қиймати 10 минг АҚШ доллари ошамаган контрактлар бўйича товарлар етказиб берилишига, шунингдек илгари лицензиялар бўйича импорт қилинган махсус турдаги товарлар (курол-яроғ, қимматбаҳо металллар, радиосигнал моддалар ва улардан фойдаланилган приборлар, асбоб-ускуналар) етказиб берилишига нисбатан татбиқ этилмаган.

2-бетда

Ушбу сонда:

2-БЕТ

Томорқа – даромад келтириши керак. Акс ҳолда...

3-6-БЕТЛАР

Нафақа олиш учун оиланинг даромади қандай аниқланади?

7-БЕТ

Стажировкадаги ходимга қанча ҳақ тўланади?

Импорт товарлар юклашдан олдин ихтиёрий тарзда инспекциядан ўтказилади

1-бетда Импорт қилинадиган товарларни юклашдан олдин инспекциядан ўтказиш хизматларини аккредитация қилинган инспекция органлари кўрсатадилар. Тўлов уларнинг Ўзбекистон тижорат банкларида очилган ҳисоб-рақамларига келиб тушади. Бунда импорт қилувчи муайян инспекция органини эркин танлаш ҳуқуқига эга, унга қиммидир тавсия қилиш тақиқланган.

Олиб кириладиган товарлар сифати, миқдори ва нархларининг Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қушидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУҚда (Марказ)

рўйхатдан ўтган импорт контрактлари шартларига мувофиқлиги учун жавобгарлик импорт қилувчининг мансабдор шахслари зиммасига юклатилади. Божхона органлари Марказда рўйхатдан ўтган контрактлар доирасида эркин муомалага чиқарилган товарлар ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда унга тақдим этади.

Марказ фаолияти соҳаси татбиқ этиладиган товарлар, ишлар ва хизматлар харидларини ўтказиш (харид тартиботларини бажариш, реклама ишларини ташкил этиш, тендер ва бошқа хужжатларни расмийлаштириш ва бошқалар) бўйича ихтисослашган ташкилотни танлаш танлов асосида амалга оширилади.

Томорқа ер участкалари қайси тартибда уч баробар ер солиғига тортилади

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари Вазирлар Маҳкамасининг 18.03.2018 йилдаги 205-сон қарорида белгиланди.

Томорқа ер участкаларидан фойдаланиш тартибини бузаётган ер эгаларига нисбатан қуйидаги чоралар белгиланган:

➤ **ер солиғининг 3 баробар оширилган миқдори** – яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмида асоссиз равишда қишлоқ хўжалиги экинлари экмаган ёки уни ободонлаштирамаганда;

➤ **ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилинади** – деҳқон хўжалиги юритиш учун уй-жой қуриш ҳуқуқсиз берилган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинлари экмаганда.

Бу таъсир чоралари Президентнинг 10.10.2017 йилдаги ПҚ-3318-сон қарори билан белгиланган.

Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорда мазкур санкцияларни қўллаш механизмлари белгиланган. Улардан мақсад – бундай ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

ни ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгаш, давлат солиқ инспекцияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳамда профилактика инспектори.

Ишчи гуруҳ ҳар йили хонадонма-хонадон юради. Томорқа ер участкалари майдонлари, тупроқ-иклим шароити ва сув таъминотидан келиб чиқиб экин турлари, мевали дарахтлар тури ва сони, чорва моллари ва паррандалар сони, шунингдек, уларнинг йил давомида томорқа ер участкасида етиштириладиган маҳсулот турлари ва сотиш ҳажмлари ҳамда иссиқхона барпо этиш, чорва моллари ва парранда боқишга бўлган ҳоҳиш ўрганиб чиқилади.

Ўрганиш натижалари бўйича ишчи гуруҳ махсус шаклда маълумотнома тўлдирди, ўрганиш натижалари эса умумлаштирилади ва фуқаролар йиғини кесимида тайёрланган маълумотлар туман ҳокимиغا 10 февралгача тақдим этилади.

2-босқич. Прогноз кўрсаткичларни тасдиқлаш

Тақдим этилган маълумотлар туман ҳокими томонидан ўрганиб чиқилади ва 15 февралгача томорқа ер участкалари кесимида етиштириладиган экин ва маҳсулот турлари, уларни сотиш ҳажмлари, шунингдек, иссиқхоналар барпо этиш, мевали ва манзарали дарахтлар экиш ҳамда чорва моллари ва паррандалар сотиб олиш прогноз кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Мазкур қарор халқ депутатлари туман кенгашига қўриб чиқиш учун киритилади (20 февралгача тасдиқланади).

Прогноз кўрсаткичлар сектор раҳбарлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан деҳқон хўжаликлари бошлиқларига ва томорқа ер эгаларига уларнинг олганлигини тасдиқловчи имзо қўйдирган ҳолда етказилади.

3-босқич. Прогноз кўрсаткичлар бажарилиши мониторингини амалга ошириш

Ишчи гуруҳ сектор раҳбарлари билан биргаликда прогноз кўрсаткичлар бажарилиши мониторингини амалга оширади. Қоида тариқасида, мониторинг ишлари экиш (март-апрель, август-сентябрь, ноябрь-декабрь ойлари) ва парваришlash даври бўйича белгиланади.



Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги бундай ташкилотларга қўйиладиган талабларни ва давлат харидларини ўтказиш доирасида улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар турлари рўйхатини белгилайди.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 26.03.2018 йилдан кучга кирди.

Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳар чорак якуни бўйича (кейинги ойнинг 15-санасигача) солиқ имтиёзи сифатида ер солиғи ставкасининг пасайтирувчи коэффициентини (Президентнинг 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454-сон қарорининг 28-банди) қўллаш бўйича туман ҳокимига таклиф қиритади. Бундай таклифлар экин ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиб, туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорида белгиланган экин турларини тўлиқ эккан, агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажарган, йилида камида 2–3 марта юқори ҳосил олган ҳамда томорқани ободонлаштирган, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини сақлаган ва кўпайтиришга эришган томорқа ер эгасига нисбатан киритилади.

Туман ҳокими ва кенгаш раиси биргаликда солиқ имтиёзини қўллаш юзасидан туман давлат солиқ инспекциясига тақдимнома қиритади.

Агар мониторинг натижаларига кўра прогноз кўрсаткичларда белгиланган экин турлари ҳамда мевали ва манзарали дарахтлар экилмаганлиги, чорва моллари сотиб олинмаганлиги, иссиқхона барпо этилмаганлиги, шу жумладан ер участкаси ободонлаштирилмаганлиги аниқланса, ишчи гуруҳ томонидан огоҳлантириш хати жойида тайёрланади ва унинг бир нусхаси тегишли деҳқон хўжалиги бошлиғи ёки томорқа ер эгасига берилади. Бунда Президентнинг 10.10.2017 йилдаги ПҚ-3318-сон қарорининг талаблари тушултирилиб, камчиликларни бартараф этиш учун бир ҳафталик муддат белгиланади.

Камчиликлар мазкур муддат ичида бартараф этилмаган бўлса, гуруҳ 1 кун муддатда бу ҳақда кенгашга хабарнома қиритади, хабарнома огоҳлантириш хатлари билан бирга туман ҳокимлигига тақдим этилади.

Туман ҳокими кенгаш раиси билан биргаликда ҳар чорак бўйича кейинги ойнинг 15-санасигача томорқа ер участкаларидан асоссиз равишда самарасиз фойдаланганлик ҳолати юзасидан:

а) томорқа ер эгасига жорий йил учун ҳисобланган ер солиғининг 3 баробари миқдорини қўллашни сўраб туман давлат солиқ инспекциясига тақдимнома қиритади. Бунда томорқа ер эгасига нисбатан йил давомида қўпи билан 1 марта тақдимнома қиритилади;

б) деҳқон хўжалигига нисбатан ер участкасига бўлган ҳуқуқни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш бўйича чоралар қўрилади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 23.03.2018 йилдан кучга кирди.



ЎЗА СУРАТИ

1-босқич. Самарали фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш

Туман ҳокимининг қарорига мувофиқ томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг раиси бошчилигида ишчи гуруҳ ташкил этилади. Унинг таркибига мазкур кенгаш, шунингдек қуйидаги туман бўлинмалари вакиллари қиради: қишлоқ хўжалиги бўлими, сув хўжалиги бўлими, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, қасаба уюшмалари, хотин-қизлар кўмитаси, бандликка кўмаклашиш маркази, фуқароларнинг ўзи-

Олег Заманов, Самир Латипов, «Норма» МЧЖ экспертлари.

• УСТУВОРЛИКЛАР

– Инновацион давлат хизматлари

1-бет

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этимиз

1-2-бетлар

• ПЕНСИЯ ИШИ

– Шартига тўғри келса

– Маълумотлар базасини тўлдирди

– Реабилитация билан махсус жамғарма шугулланади

– Ногиронлиги бўлган шахснинг иш ўрни

– ЖШДС ва сугурта бадаллари

– Нафақа – суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ?

– Бўш жойлар мавжуд бўлганда

– Аризата илова қилинади...

– Ўтган вақт учун

– Сугурта бадаллари нима учун тўланади

– Ғуломжон отанинг пандлари

– Ўзингизни текширинг 3-6-бетлар

• ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

– Ишдаги стажировка: МК қандай мажбуриятлар юклайди

– Ижарага қандай берган маъжул

– Уй гаровига қўйилган ипотека

– Турар жойни топшириш далолатномаси нотариал тасдиқланиши шарт 7-бет

• НОРМАТИВ ЛОЙИҲАЛАР

– Қалбаки асал учун – ЭКИХнинг 15 бараваригача жарима

– ЯТГа солиқ енгилликлари

– Туристтик йиғим табақалаштирилади

8-бет

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар пенсия қонунчилигини ҳам четлаб ўтмади. Янгиликлар ишлайётган пенсионерларга тўловлар, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва кексаларнинг давлат ижтимоий ҳимоя тузилмалари билан ўзаро муносабатларига дахлдордир. Буларнинг барчаси ҳақида «Пенсия иши»нинг янги сонини ўқиб, билиб оласиз.

Доимгидек ўқувчиларнинг саволларига бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг мутахассиси жавоб беради.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг gazeta@norma.uz ва ntv@norma.uz электрон манзилларига йўлланг.

Қонунчиликдаги янгиликлар

Шартига тўғри келса

Меҳнат қилаётган спорт фахрийларига – 100% пенсия. Бу тартиб Президентнинг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида (5.03.2018 йилдаги ПФ-5368-сон) назарда тутилган.

Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари, шунингдек, таълим муассасалари ва спорт ташкилотларида меҳнат қилаётган спорт фахрийлари фаолиятнинг бошқа ҳақ тўланадиган турлари билан шугулланмаганлари тақдирда пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга бўлдилар (ПФ-5368-сон Фармоннинг 8-банди).

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 6.03.2018 йилдан кучга кирди.

Маълумотлар базасини тўлдиради

Вазирлар Маҳкамасининг 15.03.2018 йилдаги 203-сон қарори билан Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот кўмағида тайёрланди.

БУГУНГИ СОНДА:

РЕАБИЛИТАЦИЯ
БИЛАН МАХСУС
ЖАМҒАРМА
ШУҒУЛЛАНАДИ

Қонунчиликдаги
янгиликлар

2

ЖШДС ВА СУҒУРТА
БАДАЛЛАРИ

Пенсия олиш
ҳуқуқи

4

НАФАҚА –
СУДНИНГ ҲАЛ
ҚИЛУВ ҚАРОРИГА
МУВОФИҚ

Маҳаллада рад
этишган бўлса

5

ЎЗИНГИЗНИ
ТЕКШИРИНГ

Тест саволлари
пенсияга оид

8

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Жорий йил 1 июнча Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларининг автоматлаштирилган ягона электрон реестри ишлаб чиқилиб, фойдаланишга топширилиши лозим. Унинг асосий вазифаси – давлат органлари ўртасида маълумотлар алмашишни таъминлаш, бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланишининг олдини олиш ва суиистеъмол қилиш ҳолатларига йўл қўймаслик.

1 августга келиб бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг базасидан ва бошқа манбалардан пенсия ва нафақалар олувчилар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламлари тўғрисидаги мавжуд маълумотлар унга киритилади. Октябрь ойига қадар Реестр кексалар ва ногиронларга ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш жараёнларида иштирок этаётган органлар ва ташкилотларнинг маълумотлар базалари билан интеграциялаштирилади.

Ушбу Реестр «Ижтимоий ҳимоя» идоралараро ахборот тизимининг бир қисмига айланади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида қуйидаги интерактив давлат хизматлари ҳам у орқали кўрсатилади:

- кекса ва ногирон кишининг электрон карточкасини юритиш, шунингдек ижтимоий хизматларнинг алоҳида дастурини ишлаб чиқиш;
- ТМЭҚда текширувдан ўтиш ва алоҳида реабилитация дастурининг электрон шаклини яратиш;
- Миллий ва ҳудудий реабилитация марказларида реабилитация қилиш;

➤ протез-ортопедия маҳсулотлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-коляскалар билан таъминлаш;

➤ санаторий-курортларда даволаниш;

➤ интернат муассасаларига жойлаштириш;

➤ уйда хизматлар кўрсатиш, ижтимоий хизматлар алоҳида дастурининг электрон шаклини яратиш;

➤ дори-дармонларни ҳисобга олиш ва бериш;

➤ қарорлар қабул қилувчи шахсларнинг мониторларида тахлилий ахборотни акс эттирган ҳолда тақдим этиладиган хизматларнинг кўрсатилиши, ҳажми ва сифатининг мониторинги;

➤ ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, шунингдек иш ўринларини захирага олиш ва ушбу иш ўринларида ишга жойлаштиришни назорат қилиш;

➤ кекса ва ногирон кишининг электрон карточкаси архивини юритиш.

«Ижтимоий ҳимоя» ИАТ 2020 йил 1 июнча ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич жорий этилади. Уша йилнинг августига келиб тизим «Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграция платформасига уланиши керак.

Дастурда кўриш қобилияти бузилган шахслар учун овозларни қайта эшиттириш бўйича ихтисослаштирилган дастурий маҳсулотларни жорий этиш ва АКТ инфратузилмасини ривожлантириш ҳам назарда тутилган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 16.03.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Реабилитация билан махсус жамғарма шуғулланади

Вазирлар Маҳкамасининг 9.03.2018 йилдаги 190-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида низом тасдиқланди.

Ҳужжат Президентнинг «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (1.12.2017 йилдаги ПФ-5270-сон) бажариш мақсадида қабул қилинди.

Жамғармани ташкил этишдан мақсад:

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг аҳолини яхшилаш;
- уларга тиббий-ижтимоий ёрдам бериш ва реабилитация сифатини ошириш;

➤ протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқаришни модернизация қилишга ва технологик янгилашга қўмаклашиш.

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари:

- ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги

қонун ҳужжатларини бузганлик, шунингдек уларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини яратишга доир маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари бажарилмаганлиги учун белгиланган тартибда солинадиган жарималар суммасининг 10% миқдоридagi ажратмалар;

- юридик ва jisмоний шахсларнинг, халқаро ташкилотларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Жамғарма молиялаштирадиган тадбирлар:

- ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, техник реабилитация воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш;

- ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш,

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

организмнинг издан чиққан ёки йўқолган функцияларини тиклаш ва уларни компенсация қилиш, ҳаёт фаолияти чекланганлигини бартараф этиш;

➤ мазкур шахсларга жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг иштирок этиш имкониятларини яратиш;

➤ ногиронлиги бўлган шахслар учун йўналиштирилган ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятига қўмаклашиш;

➤ улар учун ихтисослаштирилган иш ўринларини ташкил этиш;

➤ протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш.

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши Жамғарма Кенгаши томонидан назорат қилинади. Унинг таркибига ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва қўмаклашувчи жамоат бирлашмалари вакиллари киритилади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 12.03.2018 йилдан кучга кирди.

Ногиронлиги бўлган шахснинг иш ўрни

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг буйруғи (16.03.2018 йилда 2983-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жараҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича санитария-техник ҳолатни паспортлаштириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини аттестациядан ўтказиш Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жараҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 15.09.2014 йилдаги 263-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ амалга оширилади.

Эслатиб ўтаамиз, ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини аттестациядан ўтказиш доирасида:

➤ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишлаши учун махсус мосламалар мавжудлиги, ишлаб чиқариш хоналари ногиронлик аравачаларидан фойдаланувчи шахслар, қуриш қобилияти хиралашган ва эшитиш қобилияти бузилган шахслар учун тегишли қурилмалар билан жиҳозланганлиги, шунингдек иш мебе-

лининг антропометрик талабларга мувофиқлиги баҳоланади;

➤ аттестация комиссияси ҳар бир ана шундай ходимга гуруҳлар ва ногиронлик сабаблари бўйича белгиланган тартибда (тиббий-меҳнат эксперт комиссияси томонидан) берилган ҳужжатлар ва маълумотномаларни тайёрлаши шарт.

Унинг натижалари бўйича ташкилотнинг аттестация комиссияси ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланганидан паспортни тузади. У титул varaқ, 4 та жадвал ва битта маълумотлар шаклидан иборат бўлиб, улар қуйидагилар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади:

➤ ташкилотнинг номи ва манзили, идоровий мансублигини кўрсатган ҳолда (титул varaқ);

➤ ташкилот ходимлари, шу жумладан аёллар ва барча гуруҳдаги ногиронлар;

➤ ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари учун мослаштирилган санитария-гигиена, ёрдамчи хоналар ва жиҳозлар, шунингдек улар учун яратилган қўлайликлар;

➤ ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиладиган бўлинмалар (цехлар), ихтисослаштирилган жойлар сони ва меҳнат шaroитларини кўрсатган ҳолда.

Паспортга иш жойининг меҳнат шaroитлари харитаси – иш ўрнида меҳнатнинг амалдаги шaroитлари, белгиланган кафолатлар ва преференциялар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек ушбу иш ўрнида меҳнат шaroитларини яхшилаш бўйича тавсиялар мавжуд бўлган ҳужжат илова қилинади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 17.03.2018 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Расмий жавоб

ЖШДС ва суғурта бадаллари

? Мен контракт бўйича Россия Федерациясида ишладим, бўлгуси пенсиям учун Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўламоқчиман. Бироқ солиқ органлари даромадларим тўғрисида декларация топишиб, даромад солигини тўлашимни талаб қилмоқдалар. Улар ҳақлими? Zero ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорида бу ҳақда ҳеч нима дейилмаган-ку?

Х.А. Тошкент ш.

Мавзуий сонни Алла Ромашко олиб боради.

– Ҳа, солиқ хизмати ходимлари ҳақли. Вазирлар Маҳкамасининг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарориди фақат Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўлаш масалалари тартибга солинган.

Даромадлар тўғрисида декларация топшириш ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигини тўлаш масаласи Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан тартибга солинадиган.

Солиқ кодексининг 189-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадларга жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация асосида мажбурий солиқ солинадиган.

Декларацияни доимий яшаш жойидаги солиқ органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этиш зарур.

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари даромадлар тўғрисидаги декларациянинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилган ЖШДСни ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўлайдилар.

Улар ҳисоблаб чиқарилган ЖШДСни хорижий давлатда жойлашган банк ҳисобварағидан чет эл валютасида тўлаши мумкин. Бунда миллий валютада ифодаланган солиқ у тўланган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича чет эл валютасида қайта ҳисоблаб чиқилади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, республикамиздан ташқарида тўланган, Ўзбекистонликлардан олинadиган ЖШДС суммалари Ўзбекистонда солиқ тўлашда Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномаларига мувофиқ ҳисобга олинади. Тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш учун чет давлат ваколатли органининг маълумотномаси ёки ушбу далилни тасдиқловчи бошқа ҳужжат асос бўлади.

Маълумот учун! Даромадлар ва мулкка иккиёқлама солиқ солмаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасидаги Битим (Москва, 2.03.1994 йил) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 6.05.1994 йилдаги 1075-XII-сон қарори билан ратификация қилинган, 1995 йил 27 июлдан кучга кирган.

Нафақа – суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ?

? *Ходимимизнинг қарамоғида 2 ёшга тўлмаган фарзанди ва қонуний никоҳидаги турмуш ўртоғи бор. Улар ижарага олинган квартирада яшайдилар (квартирани ижарага олиш шартномаси бор). Ходимимизнинг қонуний никоҳидаги турмуш ўртоғи бошқа манзилда бувиси билан бирга прописка қилинган. Ходимимизнинг ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган даромади энг кам иш ҳақи миқдорининг 2 бараваридан паст. Маҳаллада 2 ёшга тўлмаган болани парваришлаш нафақасини тайинлашдан бош тортишган. Даромадни ҳисоблашда маҳалла камиссияси ходимимизнинг иш ҳақида қонуний никоҳидаги турмуш ўртоғининг бувисига тегишли пенсияни ҳам қўшган. Уларнинг бувилари билан бирга яшамасликлари ва биргаликда ҳўжалик юритмасликлари тўғрисидаги эътирозлари эътиборга олинмаган. Нафақа тайинлашни сўраб ариза берилган пайтда улар квартирани ижарага оладиган бошқа маҳалладан маълумотномаларни тақдим этганлар.*

1. *Киши бир манзилда прописка қилинган, квартирани ижарага олиш шартномасига кўра бошқа манзилда яшаётган бўлса, нафақа тайинлашни сўраб ёзилган ариза қайси маҳалла кўмитасига тақдим этилиши лозим?*

2. *Маҳалла кўмитасининг нафақа тайинлаш учун оила даромадини аниқлаш чоғида ижарадаги уйда яшаётган оиланинг даромадига улар билан бирга яшамайдиган ва ариза берувчи билан рўзғори битта бўлмаган қариндошларининг даромадини ҳам қўйиш тўғрисидаги қарори тўғрими?*

3. *Нафақа тайинлашда оила даромадлари қандай тартибда аниқланади?*

Е.Чопорова.

– Болани парваришлаш нафақаларининг тайинланиши ва тўланиши Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми (ВМнинг 15.02.2013 йилдаги 44-сон қарорига 1-илова) билан тартибга солинадиган.

Низомда фуқароларнинг муурожаатлари қўриб чиқишига асос бўладиган умумий нормалар белгиланган.

Чунончи, Низомнинг 19-бандига мувофиқ, болани оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олиш учун оила таркибига:

➤ болаларнинг отаси, онаси ёки никоҳдаги ҳар икки ота-онаси (фарзандликка олувчилар);

➤ ота-оналар билан бирга яшайдиган ва уларнинг қарамоғида бўлган болалар, шунингдек ота-оналар билан биргаликда яшайдиган ва ўз оилаларига эга бўлмаган 16 ёшдан катта ёшдаги болалар (шу жумладан, фарзандликка олинган болалар);

➤ болаларнинг улар билан биргаликда яшайдиган болалари ва бувилари;

➤ болаларнинг ота-оналари (фарзандликка олувчилар)

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

билан биргаликда ҳўжалик юритувчи бошқа шахслар киритилади.

Оиланинг биргаликда яшовчи аъзолари таркиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан белгиланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи оиланинг биргаликда яшовчи аъзолари таркиби ҳақида чиқарган қарорига қўшилмаган тақдирда прокуратура ёки судга мурожаат қилишга ҳақлисиз.

Агар бир уй ҳўжалигида (бир почта манзили бўйича) болали икки ва ундан ортиқ оилалар яшаган тақдирда, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олиш учун бир оила таркибига болаларнинг ота-оналари, шунингдек уларнинг боболари ва бувилари ҳамда болаларнинг ота-оналари билан биргаликда ҳўжалик юритувчи бошқа шахслар, улар нафақа тайинлашда бошқа болали оилаларга ҳисобга олинмаган бўлса, қабул қилинади.

Бундан ташқари, Низомга биноан махсус комиссия тuzилади, у ариза берувчининг яшаш жойига чиққан ҳолда оиланинг моддий ва мулкый ҳолатини ўрганиб чиқади.

Унинг натижаларига кўра оиланинг моддий ва мулкый ҳолатини ўрганиш далолатномасини тuzади.

Далолатномада:

- ўрганилаётган оиланинг таркиби;
- оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг бандлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- шахсий ёрдамчи (деҳқон) ҳўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган ер участкаси майдони;
- ўрганилаётган оиланинг моддий ҳўжатдан таъминланганлиги даражасини баҳолаш;
- тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш бўйича хулоса кўрсатилади.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам тайинлаш ёки уни тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарор фуқаролар йигини (Комиссия) томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Агар фуқаролар йигини иштирокчиларининг (Комиссия аъзоларининг) оддий кўпчилиги қарорни ёқлаб овоз берса, у қабул қилинган ҳисобланади.

Комиссиянинг болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарорига қўшилмаган тақдирда судга мурожаат қилишга ҳақлисиз.

Бўш жойлар мавжуд бўлганда

? Мен пенсионерман, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонига эгаман. Пенсионерлар йилда бир марта саломатликларини теклаш учун бепул йўлланма олишга ҳақли эканликларидан хабарим бор. Турмуш ўртоғим (у ҳам пенсионер) билан бир вақтда ушбу ҳуқуқдан фойдаланишим мумкинми? «Турон» санаторийсига йўлланма олмақчи эдик. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишимиз ва қандай ҳужжатларни тақдим этишимиз керак бўлади?

А.И. Тошкент ш.

– Санаторий-курортда даволанишга муҳтож, ишламай-диган ногиронлиги бўлган шахслар ва пенсионерлар қўнун ҳужжатларида ҳамда Ногиронлар ва кексаларни бепул санаторий-курорт йўлланмалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (АВ томонидан 27.04.2012 йилда 2356-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган тартибда туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш муассасалари орқали бепул санаторий йўлланмалари билан таъминланадилар.

Ёшга доир пенсионерлар санаторийларда бўш ўрин мавжуд бўлган тақдирда, навбат асосида, 3 йилда 1 мартаба бепул йўлланма олиш ҳуқуқига эга.

Йўлланма олиш мақсадида яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш муассасаларига навбатга қўйишлари ва санаторий-курорт картасини расмийлаштиришлари учун мурожаат қилишингиз зарур.

Аризага илова қилинади...

? Яқинда 55 ёшга тўламан. Пенсияга чиқмоқчиман. Иш жойимдан берилган тақдимномадан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига қандай ҳужжатларни тақдим этишим зарур?

О.Реутова. Тошкент ш.

– Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган) 12-бандига мувофиқ, ёшга доир пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг аризасига қуйдагилар илова қилиниши керак:

➤ иш стажини, шу жумладан, махсус иш стажини тасдиқлайдиган ҳужжат;

➤ иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

➤ ариза берувчининг жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси нусхаси (2005 йил 1 январдан кейин).

Бундан ташқари, зарур ҳолларда қуйдагилар тақдим этилади (ҳужжатларнинг энг кенг тарқалган турлари келтириб ўтилмоқда):

➤ банд бўлган шахсга солиқ органлари томонидан тақ-

дим этилган маълумотлар асосида Пенсия жамғармаси бўлими томонидан берилган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари туланганлигини тасдиқлайдиган маълумотнома;

➤ олий таълим муассасаларида (шу жумладан, ўқиш ҳарбий хизматга тенглаштирилаётган ҳарбий таълим муассасаларида, шунингдек партия мактабларида), аспирантурада (стажёрлар-тадқиқотчилар-изланувчилар институтларида), докторантурада (катта илмий ходимлар – изланувчилар институтларида) ва клиник ординатурада, таянч докторантурада ва докторантурада (олий таълимдан кейин-

ги таълим институтида) қондузги ўқишни, шу жумладан, чет элда ўқишни тасдиқлайдиган диплом ёки маълумотнома;

➤ бопани парвариш қилиш бўйича таътил берилганлиги ва таътилдан қайтилганлиги тўғрисидаги буйруқларнинг нусхалари илова қилинган ҳолда аёл киши бола туғилганидан бошлаб у 3 ёшга тўлгунигача бўлган даврда меҳнат муносабатларида бўлган ташкилот (ташкилотлар) томонидан берилган бола 3 ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш вақтини тасдиқлайдиган маълумотнома;

➤ фамилия, исм, ота исми ўзгартirilганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Зафаржон Хўжаев,

ЎЗР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи.

Бизга мактуб йўллабсиз

Ўтган вақт учун

? *Холам – пенсионер. У бир ярим йил мобайнида бошқа мамлакатда яшаган. Бўлмаган бутун вақти учун пенсия олиши мумкинми?*

– Мамлакатдан узоқ вақтга чиқиб кетаётган пенсионер шунинг ёдда тутиши лозимки, унга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсияни олиш мақсадида мурожаат этилганидан

олдинги 12 ойдан ошмаган давр учун тўланади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 59-моддаси). Шу сабабли ҳолангизга бўлмаган бутун вақти учун эмас, балки фақат бир йил учун пенсия тўланади.

Н.Радужная. Тошкент ш.

Суғурта бадаллари нима учун тўланади

? *10.09.2008 йилдаги ЎРҚ-174-сон Қонун иш ҳақидан фуқароларнинг Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини ушлаб қолишга асос ҳисобланадими?*

А.Умаров, координатор.

– Ҳа, ҳисобланади.

Иш берувчилар ўз ходимлари учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўлашлари шарт. Қонуннинг мақсади – ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан сугурталаш («Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси).

Иш берувчи меҳнат шартномалари тузилган барча ходимлари учун сугурта бадалларини иш ҳақидан ушлаб қолиб, Пенсия жамғармасига тўлайди. Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса рўй берса ёки ходим (сугурталанган шахс) касб касаллигига чалинса, унга сугурта товони тўланади.

Саодат Усмонова, «Норма» МЧЖ эксперти.



Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Кексалик гашти

Ғуломжон отанинг пандлари

Наманган вилояти Наманган туманидаги Бешкапа қишлоғида яшовчи Ғуломжон ота Мирзажонов хонадонига бўлган киши томорқадаги манзарани кўриб, баҳри дили яйрайди. 15 сотихли томорқанинг 10 сотихидаги иссиқхонада помидор кўчатлари гулга кирган, қолган қисмидаги эртачи сабзавот ва кўчатлар барқ уриб яшнаб ётибди.

— Ер, сув, қуёш, ҳаво, iklim шароити шунчалик қулай бўлган юрда деҳқончилик қилмаслик гуноҳи азим, — дейди Ғуломжон ота. — Оллоҳ берган бу неъматлардан унумли фойдаланмасдан, «Берсанг ейман, урсанг ўламан» қаби-лида кун кўриш динимизга ҳам, замонамизга ҳам зиддир. «Сендан — ҳаракат, мендан баракат» деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Ким шу нақлга амалга қилмаса, бири икки бўлмайди. Уйда бир парчагина бўлса-да, томорқаси бор киши касб-коридан қатъи назар, ер умрини беҳуда ўтказмаслиги шарт. Шунда рўзгорига барака киради. Томорқасида ишлаганинг турмуши фаровон, егани олдида, емагани ортида бўлади, болам.

Бир умр жамоа ҳўжалигида тракторчи бўлиб ишлаган Ғуломжон отанинг томорқасида йил бўйи иш тўхтамай-ди, ҳосил аримайди. Мўъжазгина иссиқхонада куз-қиш мавсумида бодринг, киш-баҳор мавсумида помидор етиштирилади. Оралиқда эса помидор кўчати тайёрланиб, томорқачиларга етказиб берилади.

Отахоннинг таъкидлашича, ўтган йили кузда иссиқхо-надан 4 тонна бодринг олган. Йил давомида олинган даромад 70 млн сўмдан ошган. Отанинг алоҳида ҳовли-жой қилиб кетган уч ўғлининг томорқасидан келаётган даромад жамланса, оиланинг томорқачилик орқасидан топаётган даромади унча-мунча ақлни шоширади.

Туманда бундай хонадонлар кўп. Масалан, Хонобод қишлоғида яшовчи Дилором Халилова 27-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Шу билан бирга, турмуш ўртоғи, меҳнат фахрийси Усмонали Халилов, ўғиллари Фарҳод ва Фаҳриддиннинг кўмаги билан ҳовлидаги ердан ташқари, деҳқон ҳўжалиги сифатида та-сарруфига олган 70 сотихли томорқада 5 иссиқхона қуриб,



бодринг, редиска, саримсоқлиёз, карам етиштиришни йўлга қўйган. Йиллик даромади 30 млн сўмдан кам эмас.

Дарҳақиқат, Наманган туманида томорқачилик ри-вожланган. Бугунги кунда туманда 28 минг 366 хонадон тасарруфидаги 1 минг 389 гектар томорқа ерда пиёз, карам, картошка, кўкат, помидор, дуккакли экин сингари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, 19 минг тоннага яқин маҳсулот олиш ку-тилмоқда. Шундан 5 минг 600 тоннадан зиёдроғи оилалар эҳтиёжи учун сарф бўлади, қолган 13 минг тонна маҳсулот эса, бозорга чиқарилади.

Бундан ташқари, туманда 1 ва 1,5 сотихли арзон иссиқ-хоналар ташкил этиш бўйича ҳам аҳолидан тақлифлар йиғилмоқда. Ҳозиргача шундай иссиқхона ташкил этиш юзасидан 53 маҳалла фуқаролар йиғини бўйича 900 нафарга яқин фуқародан ариза қабул қилинди ва уларга амалий ёрдам берилмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан туманимизда «Томорқа хизмати» МЧЖ фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ташкилий ишлар бошланган, — дейди фермер, деҳқон ҳўжаликчиси ва томорқа ер эгалари туман кенгаши бош мутахассиси Комилжон Жўраев. — Эътиборлиси, туманимизда томорқа-сини ўз ҳолига ташлаб қўйган хонадон йўқ. Ер майдонига нисбатан аҳоли зичлиги туфайли аҳоли ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланади. Албатта, уларнинг ҳаммаси томорқадан миллионлаб сўм даромад қилмаслиги мумкин, лекин ҳар ҳолда, ҳеч ким бир парча ерини экин-тикинсиз қолдирмаётгани эътиборга лойиқ.

ЎЗА.

Реклама

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани. Таълимархона йўли, 1/1. Тел.: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

P.S.

Ўзингизни текширинг

Газетамизнинг қанчалик зийрак ўқувчиси эканлигингизни текшириб кўрадиган вақт келди. Мабодо ниманидир эслолмай қолсангиз, хижолат бўлманг. «Норма маслаҳатчи»ни очиб, билимларингизни такрорлаб олишга доимо имкон бор. Омад ёр бўлсин!

1. Пенсиянинг базавий миқдори қанчага тенг?

- а 75%га.
- б 35%га.
- в 55%га.

2. Пенсия ҳисоблаётганда армиядаги хизмат стажга киритиладими?

- а Фақат давлат хавфсизлиги органлари ва ички ишлар органларида хизмат қилганларнинг армиядаги хизмати стажга киритилади.
- б Ҳа, киритилади.
- в Йўқ, киритилмайди.

3. 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti қатнашчилари даволаниш учун санаторийга бориш ва келишда бепул юриш ҳуқуқига эгаларми?

- а Ҳа, эгалар, агар улар 70 ёшдан ошган бўлишса.
- б Ватан олдидаги хизматлари учун орден ва медаллар билан тақдирланганлар бундай ҳуқуққа эга.
- в Темир йўл транспортида бепул юриш ҳуқуқи, шунингдек ҳаво транспортида юришда йўл ҳақи қийматининг 50 фоизи миқдорида чегириш тарзидаги имтиёзларга эгалар.



4. Бошқа давлатга доимий яшаш учун кетаётганда ШЖБПХдан жамғармаларни олиб кетса бўладими?

- а ШЖБПХдан тўлов пенсионер фақат МДХ мамлакатларида чиқиб кетаётганда тўланади.
- б ШЖБПХдаги жамғарманинг 75 фоизи тўланади.
- в ШЖБПХдан тўловлар барча зарур ҳужжатлар мавжуд бўлганда тўланади.

5. III гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқига эгами?

- а Ногиронлиқнинг III гуруҳи белгиланган шахсларга пенсия тайинланмайди (Чернобиль ҳалокати оқибатида III гуруҳ ногиронлигини олган шахслардан ташқари).
- б Пенсия фақат I ва II гуруҳ ногиронларига тайинланади.
- в Пенсия тайинланади.

6. Пенсия тайинлашда меҳнат фаолиятининг қайси давридаги иш ҳақи ҳисобга олинади?

- а Охириги 5 йил.
- б Меҳнат дафтарчаси ва архив маълумотномаларидаги ёзувлар билан тасдиқланган ишталган 5 йил.
- в Ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, охириги 10 йиллик меҳнат фаолияти давомидаги ишталган кетма-кет 5 йил учун (пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича).

Ўқувчи: 18, 26, 36, 46, 56, 66.

Натижалар

Ҳар бир
тўғри
жавоб
учун –
1 балл.

Сизнинг натижангиз:

6 балл – аъло даражали натижа.
Сиз пенсия таъминоти масалаларини яхши тушунасиз.

3-5 балл – кўп нарсани билар экансиз. Билимларингиз янада юқори бўлиш учун «Норма маслаҳатчи»ни ўқинг ва ҳуқуқ соҳасидаги янгиликлардан доимо бохабар бўлиб туринг.

1-2 балл – афсус, сиз жуда кам билимга эгасиз. Эсдан чиқарманг, билим – куч демак. Куч-қувват айниқса пенсия ёшида сизга асқотиб қолади. «Норма маслаҳатчи» билан бирга бўлишга ҳаракат қилинг, шунда яхши натижани қўлга киритасиз.

Диққат! Ушбу саволларга батафсил жавоблар «Норма маслаҳатчи» газетасининг 12.12.2017 йилдаги 50, 30.01.2018 йилдаги 5, 20.02.2018 йилдаги 8 ва 13.03.2018 йилдаги 11-сонларида чоп этилган.

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Ишдаги стажировка: МК қандай мажбуриятлар юклайди

Талаба ташкилотимизга стажировка ўташ учун келди.

Унинг стажировкасига қандай ҳақ тўлашимиз зарур?

Ҳомийлик стипендиясини тўлаш керакми?

О.Нормухамедова, кадрлар бўйича инспектор.

— Жамоа шартномасида ёки корхонанинг бошқа локал ҳужжатида бундай тартиб назарда тутилган бўлса, ташкилот талабанинг ташкилотда стажировка ўташига ҳақ тўлаши керак.

Бундан ташқари, ташкилот талабанинг стажировка ўтаётган пайтдаги

меҳнатига (ишига) ҳақ тўламоқчи бўлса, у билан мuddатли меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузиши мумкин. Қолган ҳолларда талабанинг стажировка ўташига ҳақ тўлаш мажбурияти юзага келмайди.

Ташкилотлар стипендия тўламайдилар. Уларни фақат олий таълим

муассасалари тўлайдилар (АВ томонидан 16.04.2004 йилда 1339-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Хатто стажировка ўташ тўғрисидаги шартнома асосида магистратура талабалари стажировка ўтаётган бўлсалар ҳам, қабул қилувчи ташкилот ҳақ тўлаши назарда тутилмаган. Стажировка ўташ даврида магистратура талабаларининг стипендия олиш ҳуқуқи сақланиб қолади (АВ томонидан 26.11.2015 йилда 2734-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 60-банди).

Меҳнат кодексининг амалдаги таҳририда «стажировка» тушунчаси мавжуд эмас. Бироқ «Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида назар-

да тўтилишича, «стажировка шаклида ишга қабул қилинадиган шахслар билан мuddатли меҳнат шартномаси тузилади».

Қонун ҳужжатларимизда ҳомийлик ёрдамига таъриф берилмаган. Бироқ айрим норматив ҳужжатларда у бегараз ёрдамга тенглаштирилади. Шу тариқа, пул маблағларини бегараз бериш шартномасини тузиб, бундай ёрдам кўрсатиш мумкин.



КЎЧМАС МУЛККА ДОИР БИТИМЛАР

Ижарага қандай берган маъқул

Юридик шахс нотурар жойни жисмоний шахсга ижарага беради. Бундан гуштли қўшимча маҳсулотларга (ҳайвонлар учун ем) ишлов бериладиган цех сифатида фойдаланилади. Жисмоний шахснинг ушбу фаолият билан шугулланишга доир ҳужжатлари йўқ.

Бу вазиятда юридик шахс унга нотурар жойни ижарага беришга ҳақлими? Юридик шахсда қандай оқибатлар юзага келиши мумкин?

Е.Кишчук, бухгалтер.



назарда тутилган бўлиши керак («Ижара тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси). Юридик шахс жисмоний шахс билан ҳам, якка тартибдаги тадбиркор билан ҳам шартнома тузишга ҳақли. Қонун

ҳужжатларида ижарага берувчига ижарачидан рухсат берувчи ҳужжатларни талаб қилиш мажбурияти юклатилмаган.

Бироқ жисмоний шахснинг рухсат берувчи ҳужжатларсиз фаолият юритиши ноқонуний тадбиркорлик фао-

лияти деб топилиши мумкин*. Шу сабабли ижарага берувчи юридик шахс учун салбий оқибатлар юзага келиши хавфи бор. Масалан, назорат қилувчи органлар ижарага берувчи ижарачининг ҳуқуқбузарликлар содир этишига ёрдам берганлиги хусусида шубҳаланишлари, у бунинг учун жавоб бериши керак деган хулосага келишлари мумкин.

Жисмоний шахсдан нотурар жойдан фойдаланиш мақсадини аниқлаштириб олишни тавсия этамиз. Бу тадбиркорлик фаолияти бўлса, жисмоний шахсдан рухсат берувчи ҳужжат нусхасини олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

— Бинонинг (нотурар жойнинг) ижара шартномасида ижарачининг мол-

мулкдан фойдаланиш шартлари, шу жумладан ундан фойдаланиш мақсади

*Якка тартибдаги тадбиркор ВМнинг 7.01.2011 йилдаги 6-сон қарорига 1-шлювада назарда тутилган фаолият турлари билан шугулланиши мумкин.

Саодат Усмонова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Тадбиркор банкдан кредит олиш мақсадида оиласи учун асосий турар жой ҳисобланмайдиган (яъни участкадаги бу уйда ҳеч ким прописка қилинмаган) кўчмас мулкни (яшаш учун мўлжалланган уйни участкаси билан) гаров сифатида қўйиши мумкинми?

И.Тожибоев.

Уй гаровга қўйилган ипотека

— Ҳа, тадбиркор кредит таъминоти сифатида яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулкни гаровга қўйиши мумкин.

Бунинг учун ипотека шартномасини расмийлаштириш лозим. Ипотека кредит шартномаси бўйича мажбурият бажарилишини таъминлаш учун белгиланиши мумкин («Ипотека тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси).

Қуйидагилар ипотека нарсаси бўлиши мумкин:

➢ кўчмас мулк, шу жумладан бинолар, иншоотлар, кўп квартиралар, уйларидаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулквий мажмуалар;

➢ юридик ва жисмоний шахслар мулки бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари;

➢ турар жойлар улар жойлашган ер участкалари билан бирга;

➢ қонунда кўчмас мулк жумласига киритилган ва уларга бўлган ҳуқуқлар кадастр органида рўйхатдан ўтказилган бошқа мол-мулк (Қонуннинг 6-моддаси).

Давлат уй-жой фондининг уйлари ипотекага беришга йўл қўйилмайди.

Ипотека фуқаролар (жисмоний шахслар) ёки юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, доимий яшаш учун мўлжалланган якка тартибдаги ва кўп квартиралар уйларида ҳамда квартираларга нисбатан қўлланилади (Қонуннинг 61-моддаси).

Турар жойни топшириш далолатномаси нотариал тасдиқланиши шарт

2017 йил январь ойида бизнинг МЧЖга янги муассис аъзо бўлиб, турар жойни устав фондига ҳисса сифатида қўшди. Жамият номига янги кадастр олиш учун турар жойни қабул қилиш-топшириш далолатномасини нотариал тасдиқлашимизга тўғри келди (бунинг учун турар жойнинг баҳоланган қийматидан 1% миқдорида давлат божини тўладиқ).

Муассис таъсисчилар таркибидан чиқиб, ушбу турар жой кўринишидаги улушини олмоқда.

Кадастр ҳужжатларини жисмоний шахс (чиқиб кетаётган муассис) номига қайта рўйхатдан ўтказиш учун турар жойни қабул қилиш-топшириш далолатномасини яна нотариал тасдиқлаш керак бўладими?

Кадастр органининг муассис чиқиб кетаётганда нотариал тасдиқланган турар жойни қабул қилиш-топшириш далолатномасини тақдим этиш тўғрисидаги талаби тўғрими?

Дилноза, бош бухгалтер.

— Ҳа, яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказишга доир битимлар нотариал тасдиқланган бўлиши зарур.

МЧЖ иштирокчиси унинг таркибидан чиқаётганда ўз улушининг ҳақиқий қийматини жамият мулки шаклида олиши мумкин («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддаси). Бироқ қонун ҳужжатларида бундай битимларни расмийлаштириш тартиби белгиланмаган.

Олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, рента шартномалари (ФКнинг 488, 497, 504, 512-моддалари) нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Яъни қонун чиқарувчи яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ

битимларни нотариал тасдиқлаш мажбуриятини белгиланган.

Ушбу вазиятда жамият билан иштирокчи ўртасида улушининг ҳақиқий қийматини жамиятнинг мулки бўлган яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулк кўринишида бериш тўғрисидаги битим ҳам бошқа шахсга ўтказиш турларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномасини нотариал тасдиқлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ушбу далолатнома корхонанинг мулк ҳуқуқи муассис — жисмоний шахсга ўтишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади (ФКнинг 84-моддаси).



Қалбаки асал учун – ЭКИХнинг 15 бараваригача жарима

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги модда киритиш таклиф этилмоқда, унда асал ва асал маҳсулотларини қалбакилаштирганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

Лойиҳа бўйича қалбакилаштириш деганда қуйидагилар тушунилади:

- табиий асалари асалига турли аралашмаларни қўшиш;
- асални бошқа унга ўхшаш маҳсулотлар билан алмаштириш;
- била туриб тўлиқ ёки ишончли бўлмаган маълумотлар берилган маҳсулотлар хоссаси ва сифатини атайин ўзгартириш.

Фуқароларга солинадиган жарима ЭКИХнинг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорни ташкил қилади, ҳуқуқбузарликлар бир йил давомида такрор содир этилганда – ЭКИХнинг

5 бараваридан 10 бараваригача. Ҳуқуқбузарликда айбдор деб топилган мансабдор шахслар ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача, такрор содир этилганда – ЭКИХнинг 10 бараваридан 15 бараваригача жарима тўлайди.

Қалбакилаштирилган асал ва асал маҳсулотларини олиб кириш ва сотиш маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш ваколатларини маъмурий судларга бериш таклиф этилмоқда.

ЯТТга солиқ бўйича енгилликлар

Бу Президентнинг «Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишларнинг самарадорлигини тубдан оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳасида назарда тутилган.

Ҳужжатда қуйидаги субъектларга солиқ енгилликларини жорий қилиш таклиф этилмоқда:

- олис қишлоқ туманларида сартарошлик хизматлари, кир ювиш, қуруқ ва кимёвий тозалаш, якка буюртмалар бўйича пойабзал тикиш хизматлари, жамоат ҳожатхоналари ва ҳаммом хизматларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорларга – 5 йилга барча солиқ турларидан озод қилиш;

- бошқа ЯТТга – ҳар бир ёлланган ходим учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ЭКИХнинг 25% миқдоридан сугурта бадалларини ҳар ойда тўлаган ҳолда ёлланган ходимлар учун қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод қилиш.

Маълумот учун: ҳозирда ЯТТ ҳар бир ёлланган ходим учун амалга оширилаётган фаолияти бўйича ставканинг 30% миқдоридан қатъий белгиланган солиқни тўлайди.

- касаначилик ва шахсий томорқа участкасида иш билан шуғулланган жисмоний шахсларга – бюджетдан

ташқари Пенсия жамғармасига ЭКИХнинг 2,5% миқдоридан сугурта бадалларини ҳар йилда тўлаган ҳолда ЖШДС тўлашдан озод қилиш. Бу муддатлар меҳнат стажига киритилади.

1.06.2018 йилдан шахсий томорқа ҳўжалигини ривожлантираётган ва касаначилик меҳнати билан шуғулланаётган фуқароларни банд аҳоли сифатида ҳисобга олиш механизминини жорий этиш режалаштирилмоқда. Ахборот ўзини ўзи бошқариш органлари, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сектори маълумотлари ҳамда фуқароларнинг аризалари асосида йиғилади.



Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56. Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09. Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Кўкаламзорлаштириш, экиш, дизайн. Кўчатлар: барги тўкиладиган, игнабаргли, ме-вали. Тўлов исталган усулда. Тел. (+998 90) 317-33-45, факс (+998 71) 262-48-16.



Туристтик йиғим табақалаштирилади

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристик (меҳмонхона) йиғимни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга тегишли ўзгартиришлар киритиш таклиф этилмоқда.

Хорижий фуқаролар ва мамлакатимизда доимий яшаш жойига эга бўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан туристик йиғим тўланишининг амалдаги тартибига бир қатор ўзгартиришлар киритиш таклиф этилмоқда.

Биринчидан, жойлаштириш жойлари билан бир қаторда даволаш муассасаларида ҳам йиғим тўланади. Тунаш учун жойлаштириш жойларига айлантирилган палаткали лагерлар ва ер усти транспортда яшашни ташкиллаштирган шахслардан йиғимни

туристик фаолият субъектлари (туроператорлар) ундирадилар.

Иккинчидан, 16 ёшгача бўлган болалардан туристик йиғим ундирмаслик таклиф этилмоқда.

Учинчидан, йиғим миқдорини табақалаштириш таклиф этилди. Бунда нафақат жойлаштириш жойининг тури, балки хоналар (жойлар) ва юлдузлар сони ҳам йиғим суммасига таъсир қилади (қуйидаги жадвалга қаранг). Ҳозир йиғим миқдори ягона бўлиб, яшалган ҳар бир кун учун ЭКИХнинг 10%ини ташкил этади.

Жойлаштириш жойлари	Хоналар сони	Туристтик (меҳмонхона) йиғими миқдори (ЭКИХга нисбатан %да)
Меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш жойлаштириш жойлари*: меҳмонхоналар, апартаментлар комплекси (резиденция), спа-меҳмонхоналар, бутик-отеллар, мотеллар, туристик базалар; туристик лагерлар; палаткали/кемпинг лагер; ўтовли лагерлар; дам олиш уйлари/марказлари/зоналари; туристик посёлка; кемпинглар ва б.	10 тагача	5
	10 тадан 40 тагача	10
	40 тадан ортиқ	15
*меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш жойлаштириш жойлари тоифасининг ҳар битта юлдузи учун ЭКИХнинг 2%и қўшилади		
Меҳмонлар учун уйлارга қўйиладиган талабларга мувофиқ равишда қишлоқ жойларда маҳаллий аҳоли уйларида ташкил этилган меҳмонлар учун уйлар	10 тагача кишига мўлжалланган	2
Якка тартибда жойлаштириш жойлари ва турар жойлар, шу жумладан: дала ҳовли; хусусий уй; шаҳардаги меҳмонлар учун уй; квартира, эко-ферма; тоғдаги уйча; қишлоқдаги уй; ўтов; шале; бунгало; апартамент ва б.	5 тагача	5
Санаторий-курортлардаги жойлаштириш жойлари: санаторийлар, пансионатлар, яшаш учун мўлжалланган шифохоналар ва б.		10
Даволаш муассасалари		2
Тунаш учун жойлаштириш жойларига айлантирилган палаткали лагерлар ва ер усти транспорти (мустақил равишда, туроператор, туристик ахборот бюроси ва жойлаштириш жойлари орқали)		5

Лойиҳалар ўзгартирилиши, уларга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Олег Заманов, Лена Хикматова, «Norma» МЧЖ экспертлари.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБЕКОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Ҳар бир бет – А3. Ҳажми – 2 босма тибик. Базаси келтирилган нарқда.
Буюртма 185. Адади 885. Газета 2018 йил 9 апрель соат 15.30 да топширилади.